

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 27 АВГУСТ, ДУШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Аввал хабар берганимиздек, Энг улуг, энг азиз байрам—Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида қуриб битказилган «Тошгузар—Бойсун—Кумқўрғон» янги темир йўлининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ушбу тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

●Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги шодиёналари арафасида мамлакатимизда хусусий сармоيار ҳисобига ташкил этилган ўнлаб янги корхоналар очилмоқда. Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган «Дентал фил плос» хусусий корхонаси ҳам шулар қаторига киради. Тадбиркор Абдуносир Қосимов томонидан ташкил этилган ушбу янги корхонада сентябрь ойидан бошлаб тиш пастасининг уч хил тури ва Европа технологияси бўйича косметиканинг кенг асортименти ишлаб чиқарилади.

●Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Боёвут-разъезд» маҳалласида «Хоразм маликаси» номи Туркия — Ўзбекистон қўшма корхонасининг гиламдўзлик цехи иш бошлади. Устав жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур цехнинг фойдаланишга топширилиши туфайли 40 киши доимий иш жойига эга бўлди.

● Фаргона вилояти ўлкашунослик музейи ходимлари Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган «Фаргона мустақиллик йилларида», «Гўзал юртим» ва «Гўзалликка ошuftа гуллар» номи учта йирик кўргазма ташкил этдилар.

● Республика Хотин-қизлар кўмитасининг Тошкент вилоят бўлими ҳамда вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси ташаббуси билан Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилди. Ушбу хайрия тадбирида 200 нафарга яқин болажон қатнашди.

● Урганч шаҳрида «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Хоразм вилоят саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда 1645 нафар иқтидорли йигит-қиз қатнашди. Таъкидлаш керакки, бу йилги танловда янги «Спорт» номинацияси бўйича ҳам голиблар аниқланди.

● Жиззах олимпия заҳиралари спорт колледжиде Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича мусобақа ўтказилди.

● Тошкент вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Бу улуг байрам — барчамизники» шиори остида тантанали тадбир уюштирди. Тадбир давомида бир гуруҳ меҳнат фахрийсига юртимиз саноатрийларидан бирида даволаниш учун йўлланмалар берилди, қатор меҳнат фахрийлари эса қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

●Фаластин мухториятининг раҳбари Маҳмуд Аббос яна олти ойдан сўнг мухторият раҳбари лавозими учун бошланадиган сайловларда қатнашиш ниятида эмас. Мазлумотларга кўра Аббос сиёсий фаолиятдан чарчагани ва ўз лавозимида яна қолган тақдирда ҳам мухториятнинг ички ва ташқи муаммоларини ҳал этишга қодир эмаслигини айтган.

●Покистон Олий суди 1999 йилда мамлакатнинг амалдаги президенти Парвез Мушарраф ҳарбий тўнтарини амалга оширгандан сўнг чет элга қиқиб кетишга мажбур бўлган ва шу пайтга қадар қувғинликда юрган мамлакатнинг собиқ бош вазири Навози Шарифнинг ўз ватанига қайтишига рухсат берди. Қузатувчиларнинг фикрича, Навози Шарифнинг қайтиши мамлакатдаги мухолифатчилар фаолиятининг жонлинишига сабаб бўлиши мумкин.

●Грозинида Чеченистон республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган махсус амалиёт чоғида бир қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланиб қидирилаётган террорчилар гуруҳи етакчиси Рустам Басаев йўқ қилинди.

●Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакат соатлари миллиларини ярим соат ортга суришга буйруқ берди. Уго Чавеснинг таъкидлашича, бу тонгги қуёш нурларидан одамларнинг унумли фойдаланишига ёрдам беради.


●Мьянма пойтахтида ҳарбий хунта томонидан мамлакатда бензин ва газ нархининг бир неча баробарга кескин оширилиши муносабати билан ҳукуматга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

●Ироқ Олий трибунали Саддам Ҳусайннинг 15 нафар сафдошлари устидан олиб борилаётган суд жараёнини бир ойда кечиктирди.

●Кеча Франциянинг Канн шаҳрида Россия санъати фестивали бошланди. Беш кун давом этадиган фестивал чоғида мухлислар Россиянинг фольклор ва халқ театрлари, классик балети ҳамда янги фильмларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

●«Толибон» ҳаракати вакиллари гаровда ушлаб турилган 19 нафар Жанубий Корея фуқароларини ўзларининг бир нафар етакчиларига алмаштириш таклифи билан чиқаришди. Ҳозирда ушбу етакчи Польшадаги қамоқхонада сақланмоқда. Расмий Кобул ва АҚШ эса бу каби алмашувларни кескин рад этмоқда.

●Токиода Бразилия ва Япония самба мактаблари ўқувчилари иштирокида машҳур Бразилия карнаваллари руҳида бетакрор самба рақси фестивали бўлиб ўтди.



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (10.972)

Баҳоси эркин нархда

ШАРҚ ГАВҲАРИ, ЗАМИН САЙҚАЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 25
АВГУСТ КУНИ ҚАДИМИЙ ВА
ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД
ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИК
ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА
ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мустақиллик аждодларимиз томонидан яратилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихи илдиларини ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этиш имконини берди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан улуг боболаримизнинг таваллуд саналари кенг нишонланиб, уларнинг илмий ва маънавий мероси чуқур ўрганилмоқда, қадамжолари ободонлаштирилаётди. Тарихи минг йиллар билан ўлчанадиган Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимизнинг дунё цивилизациясида тугган ўрни халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди.

Истиклол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этмоқда. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан қадимий расадхона ва буюк аллома мадрасаси қайта таъмирланди. Мамлакатимизда 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги шарафига Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Президентимиз Фармонига мувофиқ ўша йилнинг 18 октябрь куни Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд куни сифатида тантана қилинади.

Имом Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Ҳўжа Аҳрор Валий каби буюк боболаримизнинг таваллуд айёмлари муносабати билан уларнинг муқаддас қадамжолари обод зиёратгоҳларга айлантирилди.

Бугун халқимиз дунёда ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари номлари билан машҳур бўлган қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик кўтулуғ тўйини байрам қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадри муҳимлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сизлар билан мана шу қадимий ва муқаддас заминда, не-не тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган Регистон майдонида дунёнинг энг кўна ва бетакрор шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик табарруқ тўйи муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Бугунги кўтулуғ сана билан сизларни, авваломбор Самарқанд аҳлини, бутун халқимизни, узоқ-яқин ҳудуд ва минтақаларда яшаб, бу шаҳарга меҳр қўйган, бу гўзал маскан юрагида ёрқин из қолдирган барча инсонларни, бир сўз билан айтганда, Самарқанднинг ҳақиқий дўст ва қадрдонларини самимий муносабатда эитишга рухсат бергайсиз.

Шулар қаторида нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО иштирокида ўтаётган бугунги байрамимизда қатнашаётган барча чет эллик меҳмонларимиз ва хоржий давлатларнинг элчиларига ўз номидан, эл-юртимиз номидан юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилақларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Қадри дўстлар!

Самарқанд деганда, ҳар қандай инсоннинг ҳам қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қиладиган, бир кўрган одами, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар ҳаёлимизда намоён бўлади.

Самарқанд деганда, узининг мусоффо осмони, ёқудек ёрқин юлдузлари, шифобахш ҳавоси, унумдор тупроғи, мовий гўмбазорли, ўлмас тарихий обидалари билан барчани ҳайратга соладиган мўъжизакор бир маскани тасаввур қиламиз.

Самарқанд деганда, кўна Афросиёб ҳудудидаги тарихий-маданий қатламлари ва яқинда очилган Кўктепа ва Сартепадаги ноёб ва бетакрор археологик топилмаларни кўз олдимизга келтирамиз.

Бу шаҳар қадим замонлардаёқ нафақат ушбу минтақа, балки шарқда Хитой, жанубда Хиндистон, гарбда Миср ва Рим давлатлари билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган цивилизация бешиги сифатида ҳар бир маърифатли одами, биринчи гада, жаҳон илмий жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиши мумкин.

Бу заминда азалдан ҳунармандчилик ва деҳқончилик, суғориш маданияти шаклланиган, шаҳарга қувур орқали сув етказиб беришдек мураккаб муҳандислик иншоотлари, карвонсаройлар, ҳаммом ва шифохоналар мавжуд бўлгани бугун ҳам кўпчиликини лол қолдиради.

Миллий давлатчилигимизнинг тамал тошлари айнан шу ерда қўйилган, Сўғдиёна ва Мароқанд номи билан машҳур бўлган давлатлар ва юксак цивилизациялар шу заминда барпо этилган барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди.

(Давоми 2-бетда).



Мажлис ишида Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини «Авто-

мобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Улар томонидан қайд этилганидек, йўл қурилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асослари ва принципларини белгилаб бераётган ушбу Қонун бутун автомобиль йўллари тармоғи бўйича ягона техникавий сиёсат ишлаб чиқиши ва юритилиши, йўлларнинг сақланиши таъмин этилиши, техникавий даражаси ва фойдаланиш ҳолати яшиланишига ёрдам беради. Қонун бундай йўллардан иқтисодиётимиз ва аҳолининг транспорт хизматларига бўлган эътиёжларини қаноатлантириш мақсадида фойдаланилган пухта тартибни белги-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ “ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИНИ БЕРИШ ТўҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебахо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий нишон — “Олтин юлдуз” медали топширилсин:

Дадахонов Тоир — «12-трест» очик акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси монтажчи-пайвандчилар бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мирзаева Халчахон — Тўрақўрғон туманидаги «Хатича ая» фермер хўжалиғи бошлиғи, Наманган вилояти

Раҳманов Сайдали Парманович — Олмалик кон-металлургия комбинати очик акциядорлик жамияти «Қолмақир» конининг экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

Саидазимов Зархўжа Муратович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Боинг» учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 август



Дадахонов Тоир



Мирзаева Халчахон



Раҳманов Сайдали
Парманович



Саидазимов
Зархўжа Муратович

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиғи, саноат, транспорт ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”

Мавлянов Боходир Шукорович — «159-қурилиш трести» акциядорлик жамиятининг 8-қурилиш бошқармаси 6-ишт терувчиси

Раҳимов Махмадҷон Абдулазизович — «Йўл лойиҳа Бюроси» масъулияти чекланган жамияти бўлим бошлиғининг ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими”

Фазилов Абдуҷаббар Муталович — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг «Чилонзор» депоси машинисти

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаолиғи билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

Адилев Хасан Пирматович — ўймакор ёғоч устаси

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди,

билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Князева Людмила Петровна — Сергели туманидаги «Кўприққурилиш» трестининг кран машинисти
Раҳматуллаева Зора Убайдуллаевна — «Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси» раиси

Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиғи, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотланди:

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Абдуназаров Абдулла Бегандикович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси

Абдурахманов Марат Насирович — «Тошкент тажриба механика заводи» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Назаров Ҳамидулла Сативалдиевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси

Назирев Зоҳиджон — Гидрометеорология илмий-теқшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

24 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.



лаб бермоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига, шунингдек «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжат-


ларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутди. Мазкур Қонунга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг айрим нормалари суд-ҳуқуқ ислохоти асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштирилди. Чунончи, мөл-мулкни мусодара қилиш жиноятли жазо турлари рўйхатидан чиқарилганлиги муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларидаги мөл-мулкни мусодара қилишга ва мөл-мулкни мусодара қилиш тартибидеги жазони ижро этиш тартибига доир қоидалар қайта кўриб чиқилди. Айрим ўзгартишлар суднинг жарима солиш ҳақидаги ҳужумини ижро этиш тартибига тааллуқли бўлди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

(Давоми 3-бетда).



Бу байрам — барчамизники, бўтун халқимизники



МУСТАҚИЛ ОНА-ЮРТ — ЧАМАНЗОР БЎЛСИН

ҚАЕРДАКИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ХУКМ СУРСА ЎША ЖОЙДА ЮРТ ОБОД, ЭЛ ФАРОВОН, ДАСТУРХОНЛАР ТЎКИН, РИЗҚ-НАСИБА БУТУН БЎЛАДИ. БАЙРАМЛАР БАЙРАМЛАРГА УЛАНАДИ. КУНИ КЕЧА АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚ САЙЛИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҲАР БИР ҲАМШАҲРИМИЗ ЮҚОРИДАГИ ФИКРЛАР ИСБОТИГА ГУВОҲ БЎЛДИ ДЕСАК ЯНГИЛИМАЙМИЗ.

Айни кунларда бутун Республикаимизда, хусусан пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида тобора яқинлашиб келаётган Энг улуг, энг азиз байрам—Мустақиллигимизнинг 16 йиллик шодийнасини муносиб кутиб олишга бағишланган «Бу байрам — барчамизники, бўтун халқимизники» деб номланган байрам тadbирлари эл ардоғидаги ёзувчи, шоир, олим, санъаткорлар иштирокида юқори кўтаринкиликда бўлиб ўтмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва туман ҳокимликлари томонидан ташкиллаштирилган «Мустақил она юрт—чаманзор бўлсин!» деб номланган катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган халқ сайли ҳам улуг айёмни муносиб кутиб олиш каби хайрли мақсадга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Байрамона безатилган Миллий боғ худуди шунчалар гўзаллик, нафислик, мафтункорлик бахш этиб байрам катнашчиларига ўз бағрини очдики, гўё олам шодлиги, қувончи унда жам бўлди.

Карнай-сурнай садолари, жарчиқларнинг чақирқилари миллий қадриятларимиз тимсоли бўлиб янраган бўлса, бири-бирдан гўзал, хушбўй гуллар ифори оламини тугди. Хилма-хил нону патирларнинг хушбўй иси, таъми тилини кесадиган, мазаси асалуну новвот бўлган қовун-тарвузларнинг хил-

ма-хил навлари барчанинг ақлини шоширди.

— Бугунги тadbирда халқимиз руҳияти, шодлиғи қувончи, эртага ишонч-умиди, мустақил юртимизга бўлган меҳр-муҳаббати акс этиб турибди. Бобосини етаклаган набиранинг қувончи, ёш келин-кўвларнинг чиройли яратилган кема-ларда сайри, мустақил юрт болажонларининг гулу чечак-ларга бурканган арваларда кийкиришиб сайр қилаётганининг ўзи кишига бир олам завқ-шаҳқ бағишлайди. — дейди Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси ходими Илҳом Турсунбоев. — Сайил жарчилар, эстрада, чойхона, фольклор, аскиячи-қизкичлар, қовун, гул сайли, 16 ёшга тўлган мустақиллик тенгдошларига паспорт топшириш каби бир қатор тadbирлари ўз ичига олган. Бир сўз билан айтганда эса бугунги тadbир нурунийларга ҳам, ёшларга ҳам ҳар томонлама манзур бўлади деб ўйлаймиз.

Биз ҳам олам шодлиғи жамулжам давраларда бўлиб, овоз ва обод юрта байрамлар ярашади деган нақлнинг бежизга келтирилмаганининг гувоҳи бўлдик. Шўх куй-қўшиқ янраган, мумтоз қўшиқлар оҳангидан сел бўлган юраклар шодлиғи, миннатдор нигоҳлардаги шўқроқлик таърифи келди-тириш учун сўзлар маржони етмайди, десак тўғри бўлади.

Биз гурур ва фахрдан юзлари лов-лов ёниб, «Мустақил юрт тенгдошиман» дея Ўзбекистон паспортини кўлига олиб дил сўзларини жарангдор овозда баралла айтаётган бир гуруҳ ўғил-қизлар билан танишдик.

— Мен Райҳона Музаффарова, Шайхонтоҳур туманидан бўламан, бу йил 9-синфни тамомлаб, Тошкент Педагогика коллежига ўқишга кирдим. Келажакда устозларим меҳнатини оқлаб, ўз соҳанинг етуқ мутахассиси, Ватанимнинг муносиб фарзанди бўламан.

—Мен Акмал Абдувахобов бўламан,—дейди ҳаяжонли сездирамсликка ҳаракат қилаётган ёқимтой ўсмир.—Учтепа туманида яшайман, академик лицейга ўқишга кирдим. Отанам, шу она юртимнинг шавқати-шонини кўтарувчи посбон бўлиш ниятидаман.

Юнусобод туманилик Миразиз Мирҳайдаров, Миробод туманилик Жамилла Қодирова каби ўғил-қизлар ҳам кўнгли-ларни осмонларга кўтарувчи тилак ва орзу-ниятларни билдиришди.

Биз куй-қўшиққа, аския-хангомага, шўх рақс лапарларга улашиб катта тантана билан давом этаётган халқ сайлидан туганмас қувончлар таассуроти билан қайтдик. Кириб келадиган байрам барчамизга муборак бўлсин, азиз ҳамшаҳарлар!

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган халқ сайлидан лавҳалар. Хасан Пайдов ва Раҳмонбек Исломов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯПЛИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бош 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Мухома чоғида Қонун Давлат чегараси режими бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг самарали механизмни шакллантиришга қаратилганлиги ҳамда чегара олди ҳудудларида хавфсизлик ва жамоат тартиби сақланишини таъминлашга, чегара олди жойларига ноқонуний кириш ва у ерда қонунга хилоф равишда бўлишга, товар-моддий объектларнинг ушбу қонуннинг олий бўлишига йўл қўйилмаслиғига, чегара қўшимчаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратилишига ёрдам бериши таъкидланди.

Шундан сўнг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Сўзга чиққан сенаторлар халқаро шартномалар ва конвенциялар талаблари инобатда олинган ҳолда ишлаб чиқилган маъмурий Қонун кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда товар белгиларига бўлган ҳуқуқлар тadbиркорлик субъектлари томонидан ҳимоя этилиши учун янада қулайроқ шароитларни таъминлашга қўмақлашди, деб айтишди. Қонунда товар белгиларини давлат экспертизасидан ўтказиш мuddати тўққиз ой ўрнига етти ой, уларни рўйхатдан ўтказиш мuddати бир ой ўрнига уч кун, товар белгисига гувоҳнома бериш мuddати эса бир ой ўрнига ўн кун этиб белги-ланмоқда.

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди чоғида сенаторлар киритилаётган ўзгартишлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини шу куннинг реал воқеликлари ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштиришга ҳамда мамлакатимиз фуқаролари тиббий фанининг энг янги ютуқлари қўлланиладиган замонавий ва сифатли тиббий хизматларидан фойдаланишлари учун шароит яратишга қаратилганлигини таъкидладилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий суратнинг норматив-ҳуқуқий базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажмига оид давлат стандартларини самарали йўсунда ишлаб чиқиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига барча тиббий муассасалари, шу жумладан хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи жисмоний шахслар рияз этишларини назорат қилиш масалаларига даги ваколатлари ҳамда масъуллигига аниқлик киритилди. Вазирликнинг давлат томонидан қафолатланган ҳажмлар доира-сида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этишдаги, давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматларнинг тарифлари даражасини тартибга солишдаги ваколат-лари ва масъулияти аниқ белгилаб берилди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Ушбу Қонун билан «Давлат божи тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатлари нодавлат нотихорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг гайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан умумий юрисдикция судига ва ҳўжалик судига мурожаат қилганда уларни давлат божи тўлашдан озод қилиш ҳақидаги қоидалар ва бошқа нормалар билан тўлдирилди.

Сўнгра сенаторлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарлиқни ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ушбу Қонун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аудиторлик фаолиятининг мустақиллик, холислик, профессионал билимдонлик ва махфийлик каби асосий принциплари, шунингдек аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқий механизмлар яратди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган «Сўгурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сўгурта хизматлари бозорининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Сўгурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ушбу Қонунда, муҳома жа-равидида таъкидланганидек, сўгурталовчи-нинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқ белгиламоқда. Булар жумласига сўгурта фаолиятини амалга ошириш асно-сида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, сўгурта захираларини шакллантириш ва жойлаштириш, ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиш киритилган. Бундан ташқари Қонун билан сўгурта бозори профессионал иштирокчилари турлари белгилаб қўйилмоқда, сўгурта брокери ва сўгурта агенти фаолиятини амалга ошириш тартиби жорий қилинмоқда. Сенаторларнинг фикрича, ана шу ва янги маж-лисда маъқулланган бошқа қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, демократик ўзгаришларга тeрaнлиги бахш этишда ма-дадкор бўлади.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонуннинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг «Ишлаб чиқаришни модерни-зациялаш, техник ва технология қайта жи-ҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги 2007 йил 14 мартда қабул қилинган Фармони ҳамда «Сўгурта хизматлари бозорини янада ислоҳ

қилиш ва ривожлантириш чора-тadbирла-ри тўғрисида»ги 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган Қарори асосида ишлаб чи-қилганлигини таъкидладилар. Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгар-тиш ва қўшимчаларда ҳўжалик юритувчи субъектларга маблағларини ишлаб чиқари-шни модернизациялаш, техник ва те-хнологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўнал-тирилганлигида фойда солиғи камайитири-лиши билан боғлиқ ҳуқуқ, ишлаб чиқаришга янгиликдан жорий этилган янги техноло-гик жиҳозлар бўйича мол-мулк солиғи юза-сидан имтиёз бериш назарда тутилмоқда. Қонун ишлаб чиқариш микрофирмаларига ва кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари беради, келтирилган бултовчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга, агар уларни етказиб бе-риш технология жиҳозларини етказиб бе-риш ҳақидаги контракт шартларида назар-да тутилган бўлса, бохжона тўловлари бўйича имтиёзларни таътиб этади. Қонун ҳўжалик юритувчи субъектларда техник ва технология қайта жиҳозлашни таъмин-ловчи ҳуқуқий механизмларини яратиш-га қаратилган. Қонун сенаторлар томони-дан маъқулланди.

Сенаторлар «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 19-моддасига ўзгартиш кирити-тиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди ва маъқуллади-лар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи яп-ли мажлисининг биринчи иш куни тугади.

25 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯПЛИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТИРДИ.

Парламент юқори палатасининг аъзола-ри яп-ли мажлисининг иккинчи иш кунини «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғри-сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-га ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзе-бекистон Республикаси Қонуни кўриб чи-қилдан бошладилар. Мухома чоғида улар Қонуннинг мақсади тармоқ стандартлари-ни ушбу фаолият соҳасига таалуқли Ўзе-бекистон Республикасининг амалдаги қонун-лари, шунингдек, халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қонун энергетика ре-сурсларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги муҳим муаммо-ларни ҳал этишга қўмақлашади. Кирити-лаётган ўзгартишларда шу нарса аниқлаш-тирилмоқдаки, энергетика ресурслари, ом-мабол маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш-лар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шу-нингдек, энергия ҳосил қилувчи ва энер-гия ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳ-сулотлар энергия жиҳатидан самарадор-лик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича мажбурий сертификатланиш керак. Қонун атраф-муҳитни, одамлар соғлиғини муҳо-фаза қилиш самарадорлигини таъмин этишга ҳам қаратилган бўлиб, унда, жум-ладан, стандартларда маҳсулотлар, атраф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар бўлиши кераклиги, давлат орган-лари ҳам, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳам бу талабларга рияз этиши шарт экан-лиги белгиланган.

Сенаторлар «Қимор ва таваққалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш

ҳамда ўтказишни тартибга солиш муноса-бати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзе-бекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Қонуннинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги 2007 йил 28 мартда қабул қилинган Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини таш-кил этиш ва ўтказишни тартибга солиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги 2007 йил 16 августдаги Қарори асосида ишлаб чи-қилган. Ушбу Қонуннинг мақсади жамят-нинг маънавий-ахлоқий устуворликларини ҳимоя этиш ҳамда ўсиб келаётган, навки-рон авлод қимор ўйинларига жалб этили-шига йўл қўймасликдан иборат. Қонун қимор ва таваққалчиликка асосланган бо-шқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтка-зиш тартибини расамдага солувчи норма-тив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, ғаразли мақсадларни кўзлайдиган ҳамда ўсимирлар ва ёшларни қимор ўйинларига жалб этишга имкон яратиб берадиган бун-дай ўйинларни ташкил этувчиларнинг жи-ноий ва маъмурий жавобгарлигини кучай-тиришга қаратилганлиги алоҳида уруғ берилди.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик кодексига, Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Ре-спубликаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли Қарори билан тасдиқ-ланган Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига тегишли ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш назарда тутилмоқда. Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин Сенат аъзолари Ўзбеки-стон Республикаси Олий суди ва Ўзбеки-стон Республикаси Олий ҳўжалик суди тар-кибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги, Буюк Британия ва Ши-молий Ирландия Бирлашган Қироллиги-даги, Қирғиз Республикасидаги, Сингапур Республикасидаги, Италия Республикаси-даги дипломатик ваколатхоналари бошқал-ларини тайинлаш тўғрисидаги масалалар-ни кўриб чиқдилар.

Яп-ли мажлисда Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Сенати ваколатига та-алуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқ-илиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўн биринчи яп-ли мажлисда ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳома қилишда қарийб эллик нафар се-натор сўзга чиқди.

Сенаторларнинг ақсарияти фикрича, пар-ламент юқори палатасининг ўн биринчи яп-ли мажлисида маъқулланган қонунлар мамлакатимизда жамятининг демократлаш-тириш ва янгилашга қарата кенг қўламда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш иши-га хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи яп-ли мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Бош 1-бетда).

Сабиржанов Равиль Салихович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси ўринбосари
Файзиев Нейматулла — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор
Ҳадиметов Шўхрат Шадиёвич — «Тошшаҳартрансхиз-мат» уюшмаси «8-автобус саройи» акциядорлик жамяти-нинг хайдовчиси

Шарипов Рауфхан Асланович — Бектемир туманидаги «Нерудник» акциядорлик жамяти бошқаруви раиси
Шодиева Ҳамротош Нормуродовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, мада-ния ва спорт масалалари қўмитасида доимий асосда иш-ловчи сенатор

Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш, хоржий мам-лакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлиқни ри-вожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узок йиллик фидоко-рона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самара-ли ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:

«Дўстлик» ордени билан

Динер Наталья Яковлевна — «Тошиссиқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Учтепа тумани бошқармасининг му-ҳандиси

Карабаев Фарход Аббасович — Ўзбекистон Республи-каси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Мунавваров Зоҳилло Иномҳоджаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Хал-қаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзо-си

Одилжўаева Сурайё Маҳкамовна — Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат маса-лалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Подпорин Сергей Иванович — Ҳамза туманидаги «Подъёмник» акциядорлик жамятининг таъмирловчи-чи-лангари

Раджабов Фахритдин Зайниёвич — Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун-чилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бўлиб тажри-баси, маънавий фазилатлари билан эл-юртта ибрат бўлиб, ўғит-насихатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келадиган қуйидаги юз ёшдан ошган та-барруқ отахон ва онахонлар мукофотланди:

«Шўхрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

Камиллов Абзал — С.Раҳимов тумани Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, му-стаҳкам иродаси ва фидойиллик фазилатларини намойён эт-ган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамят тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келадиган қуйидаги ва-тандошларимиз мукофотланди:

«Жасорат» медали билан

Шўқуров Абдуҷамил Абдулазизович — Тошкент шаҳ-ридаги «Байналмилал» футбол клуби йўриқчиси
Ўзларининг тadbиркорлик ва ишбилармонлик фазилат-ларини намойён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳала-рини ривожлантиришга, ислохотларнинг изчиллиги ва са-марадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва маънавий кучайти-риш, миллий ва диний қадриятларининг асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарби-ялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этиш-да фаол қатнашаётган қуйидагилар мукофотланди:

«Шўхрат» медали билан

Агеев Евгений Викторович — «Ўзбекқўмир» очиқ акци-ядорлик жамятининг темир йўл технология транспорт бо-шқармаси филиали машинисти

Алимиджонов Ҳабибулла Усманович — «Чалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ак-циядорлик жамятининг цех бошлиғи ўринбосари

Ахмедов Абдулла Ишанқуллович — Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки ҳауузидаги ахборотлаштириш бош маркази директори

Ахмедова Абиба Фозиловна — «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» акциядорлик жамяти-нинг Сергели туманидаги участка асфальт пиширувчиси

Заидов Ҳоджаикбар Саитович — Ўзбекистон авто-мобиль ва дарё транспорт агентлиғи етакчи мутахассиси

Ибрагимов Раҳимджан Нигматович — Мирзо Улўбек туманидаги «Тошкент лак-бўёқ заводи» акциядорлик жа-мятининг катта устаси

Исмаилов Ташпулат Исраилович — уста-ҳунарманд
Мақаров Александр Валентинович — Миробод туман-идаги «Сифат» лойиҳа қурилиш акциядорлик жамятининг 75-қурилиш бошқармаси пайандачиси

Маҳаматов Абдурашиф Ахмедович — Бектемир туман-идаги «Сувмаш» акциядорлик жамятининг тоқари

Мирнасилов Мирраҳим Мирҳайдарович — Респу-блика «Махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонаси бошлиғи

Мирхамидов Абдусоид Шарафович — Ўзбекистон Қўзи ожизлар жамятига қарашли «Бир сафда» журнали бош муҳаррири

Никитина Людмила Алексеевна — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бо-шқармаси бошлиғи

Нуруллаев Лутпула Иноятвич — «Ўзбекэнерго» дав-лат акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи

Очилов Бегмат Ахматович — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлим муд-ри

Привалова Лариса Николаевна — Юнусобод тумани-даги «Олтин мерос» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

Оз-Оз ўрганиб Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИКМАТЛАР

Эзгу ном—(эр)киши учун қандай муқаддас бахт,
Бу эзгу ном мангулик, саодат бахш этади.

Уқув кадрини ҳам уқувли билар,
Билим сотса доно, билимли олар.

Нечук билгай телба билим кадрини,
Билим қайда бўлса, билимли билади.

Билимнинг отини билимли билади,
Билимнинг қимматини билимсиз не билгай.

Зар кадрини заргар билади.

Киши хизмат этса оғишмай агар,
Бу хизмати сингса, тилагин топар.

Кўргин, таниш-билишсизлик киши учун жуда
қийин бўлади,

У ёлғиз боши билан бутунлай ёт одамлар ораси-
га кириб қолса.

Жуда мушкул бўлади, агар бу янги келувчи (ки-
ши)нинг

Таниш-билиши йўқ бўлса, у доим мунгли юрса.

Таниш-билишсиз кишилар мисли бир нобино ка-
бидир,

Нобино йўлдан адашса, уни сўкма.

Киши агар ҳеч бир қирмаган элга кириб қолса,
Эр (киши) келин каби (уйатчанг), тили лол бўла-
ди.

Ётқи ёрлақагин, ичиргин ва емиш бер,
Мусофирни эзгу тутгин, эй билагон доно.

Ётқи эзгу тутса, эр кўзи ёришади,
Мусофирни эзгу тутса, овозаси ёйилади.

Кишига ҳар ерда таниш-билиш керак,
Турли хил иш таниш-билиш туфайли бажарила-
ди.

(Бошқа) кишининг сўзини ўзга такрор сўзлайди,
холос,

Ҳар бир киши ўз ишига ўзгандан кўра яқинроқ
бўлади.

Ўзингга яқин яхши кишилар қанчалик бўлмасин,
(Ўзингга) ўзингдан меҳрибонроқ бўла оладими?
Ўйлаб кўр.

Агар ўзинг учун меҳрибон (киши) истасанг,
Ўзингдан меҳрибони йўқ.

Киши севса, (севимлининг) нуқсонлари фазилат
бўлиб кўринади,
Агар ким севилмаса, одоб-ахлоқлари нуқсон кўри-
нади.

Кўнгил кимни севиб қолса, унинг бутун борлиги
севимли кўринади.

Кимнинг давлати зиёда бўлса,
У халққа мутлоқ эзгу сиёсат юритиши керак.

Кимнинг қўли халқ учун узун бўлса (яъни ким
халқни идора қилса),
Унинг хулқи хуш ва феъли-рафтори тўғри бўли-
ши керак.

Кимнинг сир-асрори халққа аён бўлса,
Тил ва сўзи ширин, мулоим, хушмуомила бўлсин.

Бу дунё, давлат бевафо, у яшнатади ва (сўнг)
бузади,
У шундай бекарорки, жам бўлгач, яна тўзиб ке-
тади.

Сен бу (ўткинчи) бахтга инонма, андишали бўл,
яхшилик қил,
(Бахт) бугун бунда бўлса, эртага унда деб бил-
гин.

Эй бахтга эришувчи (киши), бу бахтга қувонма,
Бахт келиб, яна қайта кетувчи (бир нарса)дир.

Эй давлат соҳиби, бу давлат билан (доим)
Турайин десанг, яхшилик қилиб тургин.

Сенга беглик ва улўғлик мероси насиб бўлса,
Ўзингни кичик-камтар тутишни аниқ мақсад
қилиб кўй.

Сен кўнмлли бўл, хизмат ишларини адо этар пай-
тида шошилма,
Пайти келса, барча берк эшиклар (ўзи) очила-
ди.

Билимнинг сўзини кўрсанг, барчаси қиммат-
лидир.

Шошилишч юмушнинг ўкинчи узок,
Шошилишч юмушлар ярамас бўлар,
Шошиб пишган овқат бўлади захар.

Шошилишч—адашган кишилар иши,
Босиқлик қилиши керак ҳар киши.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

АЗИЗ ҲАМИДАҲАРЛАР! «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ

Сизларни Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан
табриклайди ва фурсатдан фойдаланиб
қуйидагиларни эслатиб ўтади:

— Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл
қўйманг ва қаровсиз қолдирманг.

— Газ асбобларини ўрнатилган ва таъмирлаш
масалалари бўйича туманга мустақилликларига
мурожаат қилинг.

Агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол
туманга авария диспетчерлик хизматига ёки
марказий авария диспетчерлик хизматига қуйидаги
телефонлар орқали мурожаат қилинг:

04; 55-44-27; 55-44-29; 253-56-19; 253-56-51.

Газ ходими етиб келганга қадар газ жўрагини
беркитинг, эшик-деразаларни очиб хонани
шамоматинг. Гуярт ёқманг, электр асбоблардан
фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг, ёниб
турганларини ўчирманг!

Шунингдек, қуйидаги транспорт воситалари бўйича
аукцион савдолари 2007 йилнинг 2, 9, 16, 23
ва 30 август кунлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

ХАМИДА ҲАМИДАҲАРЛАРНИ
ТАЪМИРЛАШ — ШАҲРИМИЗ ГАЗ КУВУРЛАРИ
ВА УСКУНАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА
ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ
БАЖАРИШГА ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.

«Тошкентшаҳаргаз» наъмурияти



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани М.Урозов кўчаси 1-а уй манзилида, нархлари ошиб бориш тартибда ўткази-
ладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Савдода арзонлаштирилган баҳода такроран чиқарилган автотранспорт воситалари бўйича савдолар
2007 йилнинг 11, 18, 25 сентябрь ва 2, 9 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Т/Р	Автотранспорт воситаси номи	Бошланғич нархи (сўм)	Суд ижросиси	Суд органи	Ижро ҳужжати №	Манзили
1	“Mercedes-Bens 600” русумли, д/р 10R1896, 2002 йилда и/ч, техник соз	57 600 000		ЖИБ Тошкент шаҳар суди	13.04.2006й. ҳукми	Ўзбекистон Республикаси МХХга қарашли автомобилларни сақлаш майдончаси
2	“Mercedes-Bens S320” русумли, д/р 10V2288, 2001 йилда и/ч, техник соз	46 967 040	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими	ЖИБ Тошкент шаҳар суди	07.02.2006й. №1-632 ижро варақаси	“Себзор” номли автотранспорт майдончаси
3	“AUDI 100” русумли, д/р Х391НОМ, 1982 йилда и/ч, техник носоз	2 880 000		ЖИБ Тошкент шаҳар суди	01.08.2005й. №2-192 ижро варақаси	“Себзор” номли автотранспорт майдончаси
4	“AUDI A&S” русумли, д/р 10W9999, 1995 йилда и/ч, техник соз	21 600 000		ЖИБ Тошкент шаҳар суди	10.07.2006й. №ЖСК-1- 612/05 ижро варақаси	Ўзбекистон Республикаси МХХга қарашли автомобилларни сақлаш майдончаси

II. Шунингдек, қуйидаги автотранспорт воситалари бўйича аукцион савдолари 2007 йилнинг 2, 9, 16, 23
ва 30 август кунлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

1	“BA3 2107” русумли, д/р 30S1303, 1985 йилда и/ч, техник носоз	1 500 000	Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими	ЖИБ Шайхонтоҳур туман суди	14.01.2007й. №1-95 ижро варақаси	Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази (Бектемир тумани)
2	“ЗА3 968” русумли, д/р М9321ТШ, 1989 йилда и/ч, техник носоз	80 000	Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими	ЖИБ Сергели туман суди	10.08.2005й. №1-717/05 ижро варақаси	Сергели тумани, м-в Спутник 7/9.

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб
танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул
қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат
пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатил-
ган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН: 200933850,
20210000700571452067 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ОМАД АГАР ЮЗ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲҚАМ! Кўчмас мулк биржасига ишонч доим мустақкам!
Кўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтдан олиш имкониятига эгасиз.
Кўчмас мулк кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!

МАҲАЛЛАДА ТИББИЙ МАШҒУЛОТЛАР

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУН
ЎТКАЗИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА
ТАРБИЯЛАШ, ЎЗ САЛОМАТЛИКЛАРИНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШЛАРИНИ СИНДИРИШ,
ТУРЛИ ҲОЛАТЛАРДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРМ
БЕРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ МАҚСАДИД
СЕРГЕЛИ ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ЎН
ТАСИДА ЖАДВАЛ АСОСИДА «БИРИНЧИ
ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ» МАШҒУЛОТЛА
ЎТКАЗИЛИБ, УНДА ЁЗ МАВСУМИ ДАВОМИ
512 НАФАР МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ
ҚАТНАШДИЛАР. МАШҒУЛОТЛАРНИ СЕРГЕЛ
ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ТАЛАБАЛАРИ
ЎТКАЗДИЛАР.

Машғулотлар давомида ёшлар ўртасида озодка,
тозалика риоя қилиш, «гигиена» сўзининг асл маъ-
носи, офтоб урганда, турли шикастларда ёрдам бериш ула-
ри, чўкиш ҳолатларида, ҳашаротлар чаққанда, ёнго-
дир бўлганда, электр токи ва чақмоқ урганда, зук
урганда биринчи тиббий ёрдам бериш тўғрисида ол-
жавоблар ўтказилиб, болаларнинг жавобларига қарлу-
таҳассислар томонидан аниқ маълумотлар бериб ил-
ди. Ёшлар, айниқса қизлар ўртасида кенг тарқалка-
салликлар: камқонлик (анемия), йод танқислиги ал-
лиги, ичак касалликлари, тозалика риоя қилмаслу-
файли келиб чиқадиган турли касалликларнинг сени
олиш, бартараф этиш йўллари ҳақида батафсил таб
берилди. Сўхбатлар давомида ёшлар саволлар билму-
рожаат қилиб, ўзларига керакли маълумотларга эга ди-
лар.

Сергели туманидаги ҳар бир маҳаллада ўтказилу-
батларда гивандлик, унинг салбий оқибатлари, ла-
ри, токсикомания, ОИТС ҳамда инсон иммунитетини
вирусининг оқши ҳолатлари, касалликнинг олдиниш
ҳақида тушунириш ишлари олиб борилди. Аср эси
бўлиши ушбу иллат туфайли содир бўлаётган ҳбу-
зарлик, жиноятлар, унинг жамиятга келтираётган эри,
инсон ҳаёти, келажаги учун ўчмас из ва армон қори-
ши ҳақида сўз юритилди.

Тана ҳароратини ҳамда қон босимини тўғри аш,
халқ таъботидан фойдаланиш, уй шароитида бичи
тиббий ёрдам беришда қўлланиладиган дори-дарлар
тўғрисида тўғри ва аниқ маълумот бериб борилди.

Давра сўхбатлари орқали оилада тиббий саводлик-
ни ошириш, аёллар ва қизлар саломатлигини мусам-
лаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг
вор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида
«Балогат даври», «Балогат даври» мавзуларида лар
ўртасида давра сўхбатлари ўтказиб борилди.

Мирзо МУҲАММАД Иер

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Уни:ал
биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 28 сентябрь кунат
11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси бида
ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкена-
ҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлиго-
монидан 2005 йил 18 июлдаги 407-сонли ижро ка-
тига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар С.Раюв
тумани, Марказ-17, 18-уй манзилдаги «Себзор» ту-
рароҳида сақланаётган давлат рақами 10J7016ган
1996 йилда ишлаб чиқарилган «Хундай Н-100» рли
автотранспорт воситаси кўйилади. Бошланғич эси
— 5 267 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирда
бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдодана-
шиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига мулк номкро
ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда ект
бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорда зақату-
лини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Эр-
сал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Авти-
порт» филиалининг «Альянс» минн банкидагиФО
00417, СТИР 204325773, х/р.2020800080423401
тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олчун
ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этчун
топшириладиган аризаларни ва закалат пулларбул
қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Ода
қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалеза-
сидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз ин:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаеи 1-
уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-10.

«АВТОУСТОЗ»
ЎҚУВ КОМБИНАТИ
АВТОМОБИЛЬ
БОШҚАРИШНИ ЎРГАТУВ
УСТА ЛАВОЗИМИГА
ҲАЙДОВЧИЛАРНИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛА
ТЕЛ: 117-19-52

«Maxsus ta'minot servis» масъули
чекланган жамияти, СТИР 205064,
ўз устас фонднинг 83626400 сўн
39263300 сўмга камайтирилиш
маълум қилади.
Даъволар бир ой мобайнида 3(5-
40 телефони орқали қабул қили.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоасиуб-
лика автомобиль транспорти соҳасининг кеа-
матхас раҳбар ходими, меҳнат фаҳрийи, Тошша-
ҳар йўловчилар ташиш транспорти меҳнат фазри
Кенгаши раиси
Жавлон Аҳмедович ШОРАҲМЕДОВ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнила
аъзолари ва яқинларига чўкур таъзия билдире

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ**
Буюртма Г - 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари б
турар жойлардаги почта бўлимларига
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телга
мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомин»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компан
босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчсуй.